



2018-YIL 4-AVGUST
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

91
(16248)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Сайтга QR-кодни сканер қилинг.



MUNOSABAT

НАФС ЙЎЛИГА КИРГАН КИШИ...

Вилоятдан Тошкентга қатнайдиган такси ҳайдовчи сермулозамат, очиккунгил, хушчақчақ инсон экан. Ҳар ҳолда илк тасаввурим шундай эди. У йўловчилар билан бирма-бир танишаркан, пешойнадан менга тикилиб: “Уқишгачи?” — деди. Тасдиқлаган бўлиб бош иргадим. Сунг у мени саволларга кўмиб ташлади. Қарда яшашим, қайси университетга ҳужжат топширишим, неча йилдан буюн талабаликни орзу қилиб юрганам ҳақида сўраб-суриштирди. Сунг: “Уғлим билан таништирман. Билими зўр, телефон олиб киришнинг уддасидан чиқсанг бўли”, — деди.

Рўйхушлик бермаганимни кўриб: “Ишонмаётган бўлсанг, пулини ўқиш бошланганда берсан. Мана шу машинани ҳам ўша олиб берди. Маҳалламиздаги ёшларнинг даяри яқини ўқишга киритди. Манзилини айтман, бориб кўшилардан сўра”, — деди гўрур билан. Бахтимга йўловчилардан бири унинг билимдан ўғлига қизиқиб қолди. Манзилга етгунча ҳайдовчи иккиси шу мавзуда сўхбатлашиб келди. Ана шу гаплар орасида ўқишга қинғир йўл билан киришнинг минг бир сир-асрорини билиб олдим.

Ўқишга киролмай қишлоққа қайтгач, кўшимиз Ҳайит бобо натижани сўради. Индамай ерга қарадим. У: “Отангиз зиқналик қилмаганида ўқишга кирардингиз”, — деди. Мўйсафид билан баҳслашиб, билимли ёшлар пулсиз ҳам ўқишга кириши мумкинлигини тушунтирмоқчи бўлдим. Ҳайит бобо эса, барибир, фикрдан қайтмади.

Дарҳақиқат, юртошларимизда ҳалол рақобатга ишонч хиёл йўқолади. Қайси соҳа вақили хато қилса ҳам: “Ўқишга пул билан кирган-да!” — дейдиган бўлади. Шу боис жорий йилги тест синовлари шаффоф ва одилона ўтказилиши ҳақидаги хабардан ҳамма қувонди. Одамлар ушбу ёндашувни нафақат маъқуллади, балки юрт тараққиётидаги муҳим омил дея эътироф этди.

Мана, биз кутган жараён ҳам бошланди. Шунча тарғибот, тушунтириш ишларига қарамасдан,

имтиҳонга телефон, шпартга олиб кирмоқчи бўлган (олиб киришнинг уддасидан чиққан!) нопок абитуриентлар ушланди. Шулар ҳақида ўйласам, беихтиёр овчилар оғишмай амал қиладиган қоида ёдимга тушади.

Овчи ўлжани мўлжалга олишдан аввал овоз чиқариб уни ҳуркитида. Кейин у қочиб кетаётганида ўқ узди. Эмишки, ўлжага айланган паррандаю дарранда ҳеч бир хатарсиз юрган пайтида ўққа дучор бўлса, Яратганга: “Агар овчи борлигини билганимда қочиб қутулардим”, — деб арз қиларкан. Мабоо мерган уни ҳуркитгандан сунг ўлим топса: “Пешона ёзимиз шу экан” — дея рози бўларкан. Кимдир юқоридаги қоидага амал қилмаса, бошқалар: “Унинг ови ҳаром бўлди”, — деди. Овчи отган ўлжага бошқаси шерик бўлмайди. Аксинча, ўзини нари тутайди. Овчилар бунга минг йиллар — инсоният ей ва камон кўтариб юрган даврдан буюн амал қилади. Дарҳақиқат, боболаримиз ҳатто ўлжани ҳам норизо қилишни истамеган. Риқзини ҳалол топишга одатланган. Ҳаромдан ҳазар қилмайдиган кимсалардан аҳшилик кутмаган. Ҳузир-чи?

Афсуски, бугун айрим тенгдошларимиз кимнингдир ҳақида хиёнат қилиб, келажакга болта уриб, шахсий манфаатини қондириш пайини пойлайди. Тагин шу йўл билан топилган мол-дунёсини кўз-кўз қилиб, мақтанади. Ота-оналар эса, буларни ҳаром, деб уйламайди. Аксинча, фарзанднинг “уддабуронлиги”, бошқаларга нисбатан “ақлли” экани билан фахрланади.

Назаримда, улар маънавиятдан йироқ, нафс қулига айланган кимсалар. Нафс эса, инсонни ҳалокатга етаклаши, шубҳасиз. Зеро, Аҳмад Яссавий бобомиз ёзганидек:

Нафс йўлига кирган киши расво булур,
Йулдин озиб, тойиб,
Тўзиб, гумроҳ булур,
Етса, турса шайтон билан ҳамроҳ булур,
Нафси тепги, нафси тепги, эй бақирарор.

Боборавшан
ФОЗДИНОВ

ВАТАНИМИЗНИНГ МЕТИН ТОМИРИ



Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилдан эътиборан ҳар йили август ойининг биринчи яқшанбаси Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кўни сифатида кенг нишонланмоқда. Шамолдек тезкор, учқур электропоезда манзил сари борар эканмиз, бу сафар замирида қанчадан-қанча темирйўлчилар, қурувчи ва муҳандис, йўлсозларнинг машаққатли, фидокорона меҳнати мўжассам экани ҳақида кўп ҳам ўйлаб ўтирмаймиз.

Пойтахтимиздаги “Темирйўлчилар” марказий маданият саройида соҳа ходимлари кўни муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирга ана шундай фидойи, ўз ишига садоқатли

вакиллари таклиф этилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти жамоасига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Раматов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари фармонига биноан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ходимларга Ватанимизнинг юксак унвонлари, ордени ва медаллари тантанали топширилди.

Тадбирда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан узоқ йиллар мобайнида тизимда самарали меҳнат

қилаётган мутахассислар «Фахрий темир йўлчи» кўкрак нишони ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

“Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан 2018 йилда янги темир йўллар барпо этиш, транспорт-логистика инфра-тузилмасини ривожлантириш, йўловчиларга курсатилётган хизматлар сифатини янада ошириш бўйича бир қатор истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси, қабул қилинган қўлаб фармон ва қарорлари асосида Тошкент шаҳрида ер ости ва ер усти метро қурилиши ишлари ҳам ушбу тузилма томонидан амалга оширилмоқда. Умумий узунлиги 325 километр

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

МУСТАҚИЛЛИК

27
ЙИЛ



MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA

ОРЗУЛАРИМ РЎЁБГА ЧИҚДИ

Мустақиллик. Бу сўзни ҳар ким ўзича тушуниб, тақдир қилади. Аслида баланларвоз гаплардан йироқман. Аммо шунинг баралла айта оламани, мустақиллик уйғоқ, доимо ҳаракат ва изланишда бўлган инсон учун имкониятлар эшигини очди. Сўяди, мадада берди. Ишонч билдирди.

Йилгирма етти йил ичда жонажон юртимизда қандай ижобий ўзгариш руй берган бўлса, ҳаммаси менинг ҳаётимда у ёки бу жиҳатдан из қолдирган. Яратганга бе-адад шукр — орзуларим бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Бунда тинчлик ва фаровонлик, биз, ёшларга яратиб берилган имкониятларнинг ўрни беқиёс.

2013 йилда ана шу имкониятлардан фойдаланиб, ўз блог сайтимни очиб қўйиб, илм-фан борасидаги мулоҳазаларга бой мақолалар билан мунтазам янгилаб бораман. Камтарона меҳнатим туфайли “Эътироф — 2015” республика кўрик-танловининг “Йил блогери” номинациясида ғолиб бўлдим. Айна пайтада интернет журналисти сифатида фаолият олиб бораётган.

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилда Журналистика ва оммавий коммуникативлар университети ташкил этилганини соҳа ходимларига қарати-

ган улкан эътибор, деб ҳисоблайман. Бундай ташаббуслар эвазига миллий журналистика-миз дадил илдамлаши, халқ таянчига айланishiга шубҳам йўқ.

Болаликдан хорижий тилларга қизиқиб, инглиз тилини мустақил ўргана бошлаганман. Таржималарим матбуот саҳифаларида чоп этиб борилмоқда. Фикримча, журналист ҳар томонлама билимдон бўлиши керак. Кенг доирада фикрлашимиз зарур. Бир-икки ютуққа эришиб: “Бўлди, менга шу ҳам етади”, қабилда фикр юритиш, аяниқса, нақирон авлод вакилларига ярашмайди.

Орзуларим бисер. Соҳанинг етук мутахассиси бўлишни, хусусий нашриёт-матбаа уйини очиб, сифатли китобларни чоп этишни хоҳлайман.

Мустақиллик шарофати билан барча режаларим амалга ошишига ишончим комил.

Гулрухсор
ХУДОЙБЕРДИЕВА

ESHITDINGIZMI?

ҲАР ШАНБА КИТОБ ЎҚИЙМИЗ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Бир ҳафтада — бир китоб” акциясини эълон қилди. Лойиҳада ташкилот тизимида фаолият кўрсатаётган ёш мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Акция Иттифоқнинг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида ўтказилди. Унда ўзбек ва жаҳон адабиётидан сараланган унта асар номи кўрсатилиб (рўйхат Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши маънавий-маври-

фий ва миллатлараро тотувлик масалалари бўлими томонидан тузилади), ҳар бири овозга қўйилади. Энг кўп овоз тўплаган китоб оммавий ўқиш учун тасвир этилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳар ҳафтанинг шанба кунинда ўқилган асарларнинг жонли муҳокамаларини ташкил этиш, ҳар ойнинг охириги шанбасида эса, Ёшлар иттифоқининг барча ходимлари ҳамда фол ёшлар иштирокида китобхонлик кечаларини ўтқа-

зиш кўзда тутиган.

Тугаётган ҳафтада мутлоаа шинавандалари “Алломиш” дostonи, Кайковуснинг “Қобуснома”, Гулҳанийнинг “Зарбулмасал”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Ойбекнинг “Болалик хотираларим”, Уткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, Тоҳир Маликнинг “Авило, болалик”, шунингдек, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема”, Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” ҳамда Пауло Коэлоннинг “Алкимегар” асарларидан бирига овоз бериши мумкин.

Малик СИНДОРОВ

YOSHILAR — KELAJIGIMIZ DAVLAT DASTURI — AMALDA

ТАШАББУС ҚУЙИДАН ЧИҚҚАНИ МАЪҚУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев “Yoshlar — kelajigimiz” Давлат дастурининг ижроси юзасидан қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Давлати 2-саҳифада

YOZ — 2018

МАРОҚЛИ ВА ФЙДАЛИ

Ёшлар иттифоқи “Ёзни “Камалак” билан!” лойиҳаси доирасида Бўстонлик туманида соғломлаштириш оромгоҳини ташкил этди



Давлати 2-саҳифада

МАЪРИФАТ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ УЙҒУНЛИГИ

Наманганда “Маърифат китоб олами” хайрия жамоат фонди ўз фаолиятини бошлади.

Шу муносабат билан Наманган шаҳар Ёшлар марказида бўлиб ўтган тақдирот маросимида шоир-ёзувчилар, маънавий тарғиботчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёшлар иштирок этди.

— Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури туғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти билан жуда кенг қўламли вазифаларни қамраб олган, — дейди маъмур лойиҳа ташаббускори, “Наманган китоб олами” масъулияти

чекланган жамияти раҳбари Маъруфхон Мўминов. — Бу йўналишда хайрия жамоат фондини ташкил қилиш гоёси ҳам ушбу муҳим ҳужжат ижросига ўзига хос ҳисса қўшиш мақсадида туғилди.

Хайрия фонди вилоятда аҳоли, аяниқса, ёшларнинг маънавийтини юксалтириш билан бирга, моддий-маънавий ёрдам кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунга қўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, шаронти оғир оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, яшаш шароитини яхшилашга қўмаклашиш, шунингдек, шаронти оғир оилалар фарзандлари олий ва ўрта-маҳсул таълим муассасаларида ўқиши учун турли грантлар эълон қилиш, олий ўқув юрларида аҳо баҳоларга ўқиётган кам таъминланган оила



фарзандларининг таълим контракт тўловларини тўлаш каби ижтимоий тадбирларни амалга оширади.

Фонд, шунингдек, келгусида ногирон болаларнинг уйда таълим олиши учун уларни доска, парта, кургзамали ўқув қуроллари билан

таъминлашни мақсад қилган. Имконияти чекланган болаларнинг таълим олиши ҳамда ҳунар ўрганиши учун ўқув марказлари очиб режалаштирилган.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири

ESLAYSIZMI?

Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги фармонига биноан, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлар хусусий боғча қуриш имконига эга бўлиб, уларга ер участкалари бепул бериладиган бўлди.



DUNYO BIZ HAQIMIZDA



ЯПОН МАТБУОТИ
ДИҚҚАТИНИ ТОРТДИК

Япониянинг қатор оммавий ахборот воситалари юртимиз сайёҳлик салоҳиятига доир материаллар узатиш орқали кунчиқар мамлакат вакиллари Ўзбекистонни кўришга чорламоқда.

Масалан, "Komei Shimbun" газетаси муҳбири Нобуо Сугияма муштарийларга Ўзбекистон азаладан Шарқ жаҳоҳири, деган ном билан тилга олинганини эслатади. Журналист Буюк ипак йўлида жойлашганимиз савдо ҳамда маданий алоқалар алмашинуви ва умуман, минтақа ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаган. Бундан ташқари, муаллиф республикамиз ҳудудига нафақат исломий маданият, балки буддизм динига алоқадор

кўлаб осори атиқалар сақланиб қолганини алоҳида таъкидлайди. Яна бир оммабоп нашр — "Tokyo Shimbun" газетасининг ёзишича, 2018 йил февралдан эътиборан, дунёнинг етти давлати, шу жумладан, Япония фуқаролари Ўзбекистонга визасиз келиши мумкин. Материал муаллифи Сеиджи Хара юртимизга ташрифи чоғида Тожикистон билан чегара пунктига бориб, икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг гувоҳига айланганини ёзди.

"THE INDEPENDENT"
ЎЗБЕКISTONНИ КЎРИШГА
ЧОРЛАМОҚДА

Британиянинг нуфузли нашри юртимизга келиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун электрон виза бериш тизими жорий қилингани ҳақида мақола эълон қилди. Унда айтилишича, мазкур қадам сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилади.

Янги тартибга кўра, дунёнинг 15 мамлақати, шу жумладан, Буюк Британия фуқаролари учун электрон визани расмийлаштириш имкони пайдо бўлди. Қолаверса, Ўзбекистон

орқали учинчи давлатга саёҳат қилувчи 101 мамлакат вакиллари учун визасиз транзит тизими жорий қилинган, 16 ёшгача бўлган болалар учун эса, визасиз кириш имконияти яратилган.

ХИТОЙЛИКЛАР ҲАМ
БЕФАРҚ ЭМАС

Мамлакатнинг www.globalmerchand.com.cn порталида Пекин шаҳрида республикамиз сайёҳлик салоҳиятига бағишлаб ўтказилган анжуман тафсилотлари атрофлича ёритилди.

Тадбирда жорий йилнинг 15 июлидан Ўзбекистонда мамлакатга кириш учун электрон визаларни расмийлаштириш ва бериш тизими ҳамда мамлакатимиз ҳудуди орқали транзитни амалга ошираётган 101 давлат, хусусан Хитой фуқаролари учун беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда визасиз кириш ва юртимизда вақтинча бўлиш тартиби жорий этилгани тушунтириб ўтилди.

Шу билан бирга, электрон нашр Ўзбекистон ва Хитой халқлари аزالий дўстлик ришталари билан боғлангани, уларнинг тарихи кўҳна Буюк ипак йўли даврига бориб тақалиши ҳақида тўхталар экан, "бой сайёҳлик салоҳияти ҳамда бетакрор шаҳарларга эга бўлган Ўзбекистоннинг бугунги ҳудуди кўп асрлар давомида Хитой ва Фарб ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилган", дея таъкидлайди.

ҲИНДИСТОНДА
МУҲОКАМАЛАР ҚИЗГИН

Ўзбекистонда сайёҳлик визаларини олиш бўйича янги, енгиллаштирилган тартиб ва визасиз транзит режими жорий қилинганига доир хушxabар Ҳиндистон экспертлари доирасида ҳам қизгин муҳокама қилинмоқда.

Яқинда мамлакатимиз элчихонаси томонидан Деҳлида ташкил этилган брифингда "Cox & Kings", "Anchor Destinations", "Samaara Travels", "Carnation Holidays", "Experiential Travel Journeys", "Holiday Merchants" каби етакчи туристик компаниялар вакиллари иштирок этди. Тадбирда "e-visa" электрон кириш визаларини бериш ва "e-mehmon" онлайн расмийлаштириш тизимлари, шунингдек, беш кунлик визасиз транзит режими тартиблари ҳақида батафсил маълумот берилди. Яқинда нашрдан чиққан, сайёҳлар учун мўлжалланган "Uzbekistan Travel Guide Book" беэали кулланмаси ҳам мутахассисларнинг алоҳида қизиқишига сабаб бўлди.

Йиғилишда сўз олган "Experiential Travel Journeys" компанияси директори Амит Калси юртимизга келаяётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун соҳа инфратузилмаларини яхшилаш бўйича тегишли чоралар кўриш кераклигини айтиб, Ўзбекистон сайёҳлик брендини Ҳиндистонда олға суришга ҳар доим тайёр эканига ишонтиради. "Welgrow Travels" компанияси директори Радхика Кханижо 15 июлдан эътиборан Ҳиндистонлик сайёҳлар электрон виза орқали Ўзбекистонга жўнаб кетганини айтса, "Nijhawan Group" директори Анкуш Нишаван бундай туризм компаниясининг ишини сезиларли даражада енгиллаштиргангани мамнуният билан таъкидлаган.

"Дунё" АА материаллари асосида тайёрланди.

TASANNO!
ИККИ ОЛТИН БИЗНИКИ

Болгариянинг Благоевград шаҳрида бўлиб ўтган математика бўйича 25-халқаро фан олимпиадасида талабаларимиз тўртта медални кўлга киритди.

Дунёнинг юзга яқин олий ўқув юртидан сараланган 351 нафар иқтидор соҳиб қатнашган нуфузли беллашувда Ўзбекистон Миллий университети талабалари — Ҳакимбой Эгамберганаев ва Шоҳрух

Иброҳимов олтин, мазкур университетнинг яна бир вакили Толибжон Исмоилов ҳамда Турин политехника университетида таълим олаётган Фаррух Мухаммадиев бронза медалларига сазовор бўлди.

Эслаб ўтамиз, талабалар учун математика бўйича халқаро фан олимпиадаси 1994 йилдан буён мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Терма жамоамиз унда уч марта бахтидор бўлиб, ўтган йили ҳам Ҳакимбой Эгамберганаев ва Шоҳрух Иброҳимов олтин медал билан Ватанимизга қайтганди.

Мухбиримиз

МАРОҚЛИ ВА ФОЙДАЛИ

(Бошланиши
1-саҳифада)

Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилишга қаратилган лойиҳада "Камалак" болалар ташкилоти сардорлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар фарзандлари жалб этилган.

Республикамизнинг тури ҳудудларидан жамланган 230 нафар йигит-қиз ўз қизиқишлари бўйича тасвирий ҳамда амалий санъат, компьютер савдонлиги, "Муноза-



ра", нотиклик санъати ва риторика, инглиз, рус тиллари тўғрисида маданий дастур, акция ва саёҳатларни уюштириш ҳам режалаштирилган. Оромгоҳ 7 августгача давом этади.

Алаҳ ЖўРАЕВ



ЗАВОДДА
КИТОБ ДЎКОНИ
ОЧИЛДИ

Бекзод ҚОДИРОВ

Қаерда дейсизми? "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятида! Бу воқеани нафақат корхонада меҳнат қилаётган ишчи ва ходимлар, балки бутун Бекобод аҳли катта қувонч билан қарши олди.

Юртимизда китобхоналик тарғиботида давлат сийосати даражасида эътибор қаратилган. Мазкур соҳада Прези-

дентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхоналик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори асосий таянч ҳужжат саналади. Янги китоб дўконини очиш ташаб-

буси ҳам айнан унинг ижросини таъминлашга хизмат қилди. "Ўздавкитобсавдо-таъминот" маъсулияти чеklangан жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган мунаввар маскандан ўзбек ва ҳаёт классикаларининг дурдона асарлари, болалар адабиёти, шунингдек, сиёсий-ҳуқуқий ва бошқа мавзулардаги нашрларни топши мумкин.

Махсулотлар ассортименти кенг — 400 дан ортиқ китоб жамланган, — дейди корхона директори ўринбосари Мурод Ашимов. — Нархлари эса, бошқа жойларга қараганда нисбатан арзон. Нақд пул ёки терминал орқали савдо қилинмоқда. Ишчи-ҳодимлар ўзларига маъқул адабиётларни ҳатто маоши ҳисобидан харид қилиши мумкин. Ҳудудга яқин маҳалларда истиқомат қилаётган аҳолига ҳам беминнат хизмат кўрсатаёلمиз.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар шу чоққача юртимиздаги ҳали биронта ишлаб чиқариш объектида китоб дўкони фаолиятини йўлга қўйилмагани, "Ўзметкомбинат" бу жиҳатдан етакчи позицияга чиққанини алоҳида қилиш ва мукамал интизомга бўлган таъкидлади.

ДОЛЗАРБ MAVZU
ОТАНИНГ
ЎРНИ КАТТА

Т.БУТУНБОЕВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази "Фарзанд тарбиясида отанинг маъсулияти, вазифаси, мажбурияти: муаммо ва ечим" мавзuida республика илмий-амалий анжуманини ўтказди.

Тадбирда иштирок этган жамоатчилик вакиллари ва экспертлар фарзанд тарбиясида ота-она жавобгарлигини ошириш, миллий анъана ва қадриятларни мустаҳкамлаш, оила барқарорлиги истиқболларини маънавий-ҳуқуқий, ижтимоий-психологик, иқтисодий-демографик жиҳатдан ўрганиш масалаларини муҳокама қилди.

Ота ролининг кучсизланиши — катта ижтимоий фожа, — дейди психолог Венера Эрметова. — Бу ҳолатда оила ичидан дарз кетади, оила аъзоларининг ўзини идора қилиш ва мукамал интизомга бўлган

интилиш ҳам йўқолади. Болаларга кичиклигидан ахлоқий меъёрлар ўқитилмаса, келгусида унганмас халқаро юз бериши мумкин. Фарзанд мисли навнини шомоли, меъасининг ширин ёки нордонлиги маҳоратимизга боғлиқ. Конференцияга оила мавзuida илмий-амалий изланишлар олиб бораётган олим ва тадқиқотчилар томонидан 80 дан ортиқ мақола тақдим қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Бухоро, Жиззах вилоятлари вакиллари билан биргаликда илмий ишлари алоҳида эътироф этилди.

ISLOHOT ODIMLARI

Мироншоҳ ЭРКИНОВ

ТОШКЕНТ КЎРКАМ
ВА ҚУЛАЙ БЎЛАДИ

Жорий йилнинг май ойида Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги Жамоатчилик кенгаши тузилган. Аҳоли ва ҳокимлик ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий долзарб муаммоларга ечим топиш ва бу борда жамоатчилик назоратини ўрнатишни мақсад қилган тузилма таркибидан ўн бешта қўмита фаолият юритмоқда.

Ҳар бирига фаол фуқаролик позициясига эга соҳа мутахассислари, экспертлар жалб қилинди. Ўтган давр мобайнида кенгаш томонидан пойтахтимизни стратегик ривожлантириш, тадбиркорларни қўлаб-қувватлаш ва бошқа йўналишларда амалий ишларга қўл урилади.

Тошкент шаҳар ҳокимиятида бўлиб ўтган брифингда шу мавзуда сўз юритилди. Унда кенгаш мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Иштирокчиларга Жамоатчилик кенгашининг мақсад ва вазифалари,

яқин истиқболдаги режалар ҳақида маълумот берилди. Шу лойиҳага амалга оширилган ишлар тилга олинди. Масалан, яқинда пойтахтимиздаги экомудхитни яхшилаш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ва ички ишлар бошқармаси ўртасида қўшма қарор имзоланди. Унга кўра,

бундан буён дарахтларни кесиб бўйича руҳсатномалар ҳокимлик сайтыда эълон қилиб борилади. Қурилиш пайтида кесилган битта дарахт ўрнига эса, пудратчи ташкилот ўнта қўчат экиб бериши шарт.

Ҳозирда шаҳар ҳокимлиги ва иқтидорли дизайнерлар билан биргаликда Тошкент брендини яратиш устида ишлаяёلمиз, — дейди кенгаш раиси, хусусий тадбиркор Ҳикмат Абдурах-

монов. — Бундан ташқари, тураржой объектлари ва маъмурий бинолардаги мозаика тасвирлар тикланиб, сайёҳлар учун йўналтурувчи белгилар ўрнатилди. Қўмиталар вакиллари ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли билан суҳбатлашиб, уларни қийнаётган масалаларни бартараф этмоқда. Келажакда Тошкент дунёда энг кўркам ва яшаш учун қулай бўлган шаҳарга айланишига ишонаман.

ТАШАББУС ҚҮЙИДАН
ЧИҚҚАНИ МАЪҚУЛ

(Бошланиши
1-саҳифада)

Даставвал, Ёшлар етакчиси Бойсун туманида бўлиб, кўенчилик билан шугулланаётган ёш тадбиркор Ажрилло Шарипов билан учрашди. Айни пайтада 3 минг кўенчи парвариш қилаётган тенгадошимиз иссиқхона кўриш учун кредит олиш ниятини билдирган. Унинг муружоати шу заҳотиёқ қондирилди.

Қ.Қурбанбаев "Мустақиллик" маҳалласида ёш тадбиркор Алишер Ҳотамов ташаббуси билан бунёд этилаётган "Ёшлар меҳнат гузари"ни ҳам кўздан кечирди.

— Ташаббус ёшларнинг ўзидан чиққани яхши, — дейди у. — Шунча ишни ўз кучини билан қилибсиз, энди буёнгга ИТтифоқ қўлаб-қувватламаса уят бўлади. Сизга ўзим имтиёзли кредит олишда қўмаклашаман.

Давлат маслаҳатчиси Ангор туманида дастур ижроси юзасидан ташкил этилган штабда эртаю кеч меҳнат қилаётган масъул ёш ходимлар билан суҳбатлашиб, уларнинг муаммою ташвишлари, орзу-истакларига қўлоқ тутди.

Шунингдек, Шеробод, Музработ, Термиз туманларида ҳам бўлиб, бажарилаётган ишлар билан яқиндан танишди.



Зарур тавсиялар берди. Ташриф давомида Термизда ёшлар етакчиси раҳбарлигида йиғилиш ўтказилди.

"Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижросига бағишланган мажлисда вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг ёшлар сийосати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича уринбосарлари, прокурорлар, Ёшлар иттифоқининг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари раислари, ички ишлар бўлимлари бошлиқлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар раисларининг ёшлар масалалари бўйича уринбосарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, 717 маҳаллага бириктирилган ишчи гуруҳлари уйма-уй юриб, ёшларнинг ижтимоий аҳоли ва муаммоларини атрофлича ўрганмоқда. Бизнесини

бошламоқчи ва кенгайтирмоқчи бўлган йигит-қизларнинг истиқболли лойиҳалари қўлаб-қувватланиб, ер ва кредит ажратилди. Шунингдек, бўш турган бинолар "ноль" қийматда берилмоқда.

Йиғилишда Бойсун, Шўрчи, Денов, Қизирик, Шеробод, Қумқўрган туманларидаги Давлат дастури ижросига доир фаолият танқид қилинди. Худуд мутасаддиларига йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, ёшларнинг тақдим этиш ҳамда имтиёзли кредитларни ажратиш, "Хар бир фермерга бир ёш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Жавлон ВАФОВЕВ

DOLZARB MAVZU

ИБТИДОЙ ТАРБИЯНИ РУС МАКТАБЛАРИДАН БОШЛАБ БЎЛМАЙДИ

Санжар ЭШМУРОДОВ

Яқинда бир вазириликда ўтказилган давра суҳбатига иштирок этдим. Унда ташкилот мутахассисларидан бири ўзбек тилини тушуниши, лекин гапира олмаслигини айтиб, рус тилида сўзлашга рухсат сўради.

Ирилганлар бир-бирига маъноли қараб қўйди: ўзбек бўла туриб, давлатнинг катта бир ташкилотиди фалон хизматда ишласан, ўз она тилини билмасан...

Ўзбек тилини билиш-билмаслиги эмас, аксича хорижий тилини мукамал ўзлаштириши билан ўлчанмоқда. Ўз навбатида, жамият ҳам шунга мослашмоқда.

"Мам" дейдиган бўли...

Фарзандларимиз қай бир мактабда ўқимасин, яхши таълим олиши тарафдоримиз, албатта. Аммо илк сабоқни ўз она тилида олмаслик аксарият ҳолатда уларнинг тарбиясига акс таъсир қўриб қолган.

Ишга кирсанми, рус тили керак!

Айни пайтда мамлакатимизда таълим ўзбек тилида олиб борилаётганидан икки мингдан ортиқ мактаб мавжуд. Русизабон синфларда 600 минг нафарга яқин ўқувчи таълим олади.

Баъзи ўзбек оилалари ҳам фарзандларини шундай синфларга беришни маъқул кўрмоқда. Хўш, бунга сабаб нима?

— Икки ўғлимни ҳам рус мактабга берганман, — дейди қашқадарёлик Дилдора Хасанова. — Қишлоқ мактабида таълим олганим учунми ёки кунт қилганимданми, рус тилини яхши ўрганолмадим. Бундан кўп пана едим. Қарга бормай, шу тилини қай даражада билишим билан қизиқибди.

Рус тилини билмасдан, катта мақсадларга эриша олмаслигини англадим. Фарзандларим мендек қийналиб юришини истайман!

Ҳақиқатан, ҳозир давлат тилининг аҳамияти бироз сусайгандек туюлади. Чунки кадрларнинг салоҳияти

сўзларни аралаштириб гапирадиган одат чиқарди. Маҳалладаги тенгурларидан ажралиб қолди. Отаси ва бошқа эркеклар олдида ҳам тортинмай шахсий, аёлларга хос мавзуларда гапираверди. Табиатидаги ўзгаришларни кўриб, ташвишга тушди. Мактабни тугатгач, ўзбек тилида дарс ўтиладиган коллеж ва институтда ўқитди. Афсуски, характерда менталитетимизга хос бўлмаган унсурлар барибир сақланиб қолди.

Ўзбекчани ўрганишни хоҳайман

Ўтган йили 21 октябрда бўлиб ўтган тадбирда бир талаба янгит Хақ таълими вазирига вакилларига мурожаат қилиб: "Мен тожик тилида дарс ўтиладиган мактабда тахсил олганман. Ўзбекистонда яшасам-да давлат тилини билмаслигим кўп бора пана берган. Аммо мактабимизда ўзбек тили яхши ўтилмайди. Умуман, таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган муассасаларда бу фан ҳафталиги икки соат қўйилган, холос. Бу жуда кам. Устига-устак, дарсликларда талай нуқсонлар бор. Ўқитувчи етишмаслиги сабаб баъзи синфларда ўзбек тили бутунлай ўтилмайди. Мен каби ўзбек тилини ўрганишни истайдиган тенгдошларимни кўп. Аммо уларга юқоридаги муаммолар тўсиқ бўлмоқда. Вазириликдан мазкур масалага тегишли чора кўришини сўрадим", — деган эди.

Орадан бир йил ўтяпти, бу борада бирор ўзгариш бўлганини эшитмадик. Шундан кейин мазкур муаммо мени қизиқтириб қолди. Мавзу юзасидан қўлаб мутахассислар билан фикр алмашдим. Хусусан, рус тилида дарс ўтиладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш методикаси муаммолари билан шуғулланувчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳақ таълими ходими, филология фанлари номзоди Рустам Йўлдошев шундай дейди:

— 1994 йилда ўзбек тилини ўқитиш дастури тузилган. У аслида ўзбек тили мактабларида рус тили фанини ўқитиш дастурининг таржимаси эди. Кейинги йилларда ҳам айтарлиқ ўзгаришлар тақомиллаштирилди. Дастурада ўзбек тилининг ўзига хос аффициаллик

хусусияти, табиати инобатга олинмаган. Масалан, ўзбек тилида сўзга қўшимча қўшилиши билан маъно ўзгариши ёки мукамаллаштиши мумкин. Лекин ҳозир биз бошланғич синфдаги битта матн таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда тўққиз йил ўтиладиган қоидалар асосига қўрилганини ҳам кўряпмиз.

Дастурада ўқувчининг нуқтини ўстиришга хизмат қилувчи усуллар белгиланмаган. Унда ўзбек тили филологияси ҳақида маълумот бериш биринчи ўринга кўтарилган.

Дарсликларда мавзудан-мавзуга мураккаблаштириб бориш тизими бузилган. Бу ўқувчини қалғитиб, фанини ўзлаштиришга қийинчилик туғдиради. Дарслар бир-биридан кескин фарқ қилувчи мавзуларга бағишлангани боис, такрорлаш имкони йўқ. Натияжада ўқувчи билимини мустақамлаш олмайди. Дарсликлар таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун муволажалгани сабабли, барча маълумотлар тўлиқ ўзбек тилида берилган. Агар дарс ўтаётган ўқитувчи малакали бўлмаса, атамалар ёки баъзи грамматик қоидаларни тушунтиришда қийиналади. Ўқувчи эса, ўзбек тилини мустақил ўрганишга киришолмайди. Мана шу жиҳат энг катта камчиликлардан биридир.

Агар таълим тизимида ўзбек тили фанини ўқитиш методикаси ислоҳ қилинса, самарадорлик ошади. Шунда янгит-қизларни бир вақтинг ўзида иккита тилини мукамал ўзлаштиришига эришамиз.

Сўнгсўз

Бу мақола билан жамиятимизда давлат тилининг обрўйини кўтариш ва таълим тизимидаги жузъий камчиликлар ҳақида мулоҳаза юритишга чорламоқчи бўлдик. Бизнингча, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир инсон ўзбек тилини билиши керак. Ижтимоий ҳаёт эса, бунинг аксини, ҳаттоки миллатдошларимиз ҳам она тилини унутиб бораётганини кўрсатмоқда. Кичик кўринган мазкур муаммонинг газак олмаслиги учун хозирданок ҳаракат қилишимиз зарур.

AKS-SADO



ХАЙРИЯТКИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЯПМАН

Роҳатой ҚОДИРОВА

Субҳидам... Телевизорни ёқдим. Хорижий телеканаллардан бирида англиклар дастури эфирга узатиляпти. Биринчи хабар — аянчи: "Уч нафар россиялик ҳарбий журналист Марказий Африка Республикасида отиб ўлдирилди. Тафсилотлар оз. Аниқ сабаби ҳали номаълум".

Мудҳиш воқеани шарҳлаган мухбирнинг фавқулода айтган қўйилган сўзлари миямни қақмоқдек ёриб ўтди: "Мамлакатда қашшоқлик шу даражадаки, инсон ҳаёти бир пулга қиммат — сени аввал пешонанган отиб, кейин чўнтақларингни титиб кўрадилар".

Кўз ўнгимдан гулу райхонларга бурканган ҳовимиз, болалар майдончасида қий-чувлаштиб уйнаётган қоракўз қақажонлар, кўркам кўчаю хиёбонлар бир-бир

ўта бошлади. Инсонлар орасида меҳр-оқибат ариман, кичик каттага ҳурмат кўрсатадиган, мискинлар ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган тинч-осойишта юрда яшаётганимга чин дилдан шукроналик келтирдим.

Сал иши юришмай қолса, дарров давлатига лаянат ёғдирувчи, қанча берсанг, шунча кам деб турувчи худбин, боқиманда кимсалар жамият учун ортиқча юк — улар ҳеч кимга, ҳеч қачон наф

келтирмаган, келтирмайдилар ҳам. Ҳаётга, Ватанинг ва халқингга, қўйингки, юрт тараққиёти йўлида куйиб-пишаётган қанчадан-қанча софид одамларга нисбатан шундай муносабатда бўлиш аслида нонқурилик демак! Бундай хатти-ҳаракат, айниқса, ёш авлодга сира ярашмайди! Ахир, бугун ўзимизни бахтиёр санаш учун барча асосимиз бор-ку!

Мусаффо тонгимиз баҳаолов тўнларга уланаётгани, фарзандларимиз замонавий таълим олиш имконига эғлиги, оила қўрганлар янги, шинам хонадонларга кўчиб ўтаётгани, нурунийлар эъзоз иззатда экани — шуларнинг барчаси

улкан БАХТ, Яратганинг тенгсиз инояти эмасми? Оқшом... Ишдан хориб қайтаим. Оилам билан дастурхон атрофида жамландик. Ота-онам, ака-укаларим, шириндан-шакар жиянларим даврасида ўзимни жуда енгли, тетик ҳис қилдим. Аввал унчалик ҳам эйтибор бермаган бу ҳолат — хотиржамлик бутун вужудимни яратиб юборди. Хайриятки, Ўзбекистонда яшайман. Бизда Африкадаги каби инсон беқадр эмас. Одамлар отилмайди, бегунҳонинг ёстиқи кўримайди, болалар очлик нималигини билмай ўсмақда.

Доимо шундай бўлсин! Тинчликнинг қадрига етайлик, азизлар!

BUGUNNING GAPI

ЭРКАК ҚАДРИ — МИЛЛАТ ДАРДИ

Шерзод МАХМУДОВ

Яқинда бир танишим қизини узатди. Тўй олаи маросимларида қатнашдик. Эйтиборимни тортган бир жиҳат сизни ҳам безъитибор қолавермас керак.

Бизнинг Фаргона томонларда тўйбоши нахорги ош беришдан аввал кечқурун маҳалла-қўй, ёр-биродарларини янгит "Сабази тўғар" маросимини ўтказмади. Ёшлар хизматлашди. Танишимнинг аёли анча гапдан. Қарасам, хотин-қизларга буйруқ бериб, ҳовлига стол-тушларга эркинликнинг ҳам ишларига аралашяпти. Эри эса, оим-мим демаяди. Бирон иш қилишдан олдин хотинига юзланмади. Дастурхонга нима қўйилади, эркинликнинг "анови ордона қолғур" ичимлигидан қанча кетади — ҳаммасини аёли ҳал қилмоқда. Аччигим чиқди. Эркак дегани хотинининг измига бунчалик ҳам юрмаса! Хўш, сабаби нимада?

Гап шундаки, у кўп йиллардан бери ишсиз, рафиқаси эса, шифокор. Оила таъминоти аёлининг гарданиди қолиб кетган. Бизнинг фожиамиз аслида мана шу — оилада таъминотчи вазифасини эркек эмас, аёл бажараётгани. Бундай ҳолатга эйтибор бермай ҳам қўйдик. Айрим оилаларда эркек ва аёл ўртасидаги мувозанат тобора бузилиб бораётганини кўра-била туриб, тан олгимиз келмайди.

Бугун "эркак" деганда кимни тушунасиз? Забардаст, боласи ва аёлига қоя бўлгучи инсонимиз! Дарҳақиқат, тоғни ўрса, тоқон қиладиган, сўзига ва қилаётган амалига жавоб берадиган эркекларимиз бор, бироқ ҳамма ундай эмас. Муқаддас динимизда ҳам эркекнинг жамиятдаги оиладаги вазибалари аниқ белгиланган. Бунга Қуръони каримдаги қуйилган оят далилдир:

"Аллоҳ уларнинг баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва (эркак ўз) молларидан (аёлларига) сарфлаганлари учун эркеклар аёлларга раҳбарлирлар." (Нисо сураси, 34-оят)

Яна бир ҳолатга разм солайлик.

— Ўтган йили амаким қизини узатди, — дейди курсломчи Исломжон Омонжонов. — Хотин-халаж ўтирган уйдан салқин ичимликларни олиб чиқиб кетди. Таниш қиз билан ичимликлар қаерда туришини сўрадим. У гапдан қуруқ қолгиси келмай, нарсаларни оғринибгина олиб берди. Ҳали нима қиларини билмай жимгина қиб кетади. Бу каби ҳолатлар шаҳарда, айниқса, урчиغان.

Наздимда бунга биз, эркекларнинг ўзи айбдор! Чунки кўп нарсаларга панжа ортидан қараб, андиша қилмай қўйдик. Номус тушунасиз қўлга синган сувдек йўқ бўлиб бормоқда. Аҳли аёлларимизни тирикчилик важида қийнадик. Нозик ҳуссаси билан оғир меҳнат қилишига жим қараб турдик. Наги

жада уларнинг қафтигина эмас, балки дийдасини ҳам қотириб юбордик. Қадимги Шарқ ривоятчи ҳикоятларини эсланг. Уларда савдо-сотик билан эркеклар шугуллангани ҳақида айтилади. Аёллар бозорга яқин йўламаган. Бугун-чи? Қарерга борманг, куйиб-ёниб савдо қилаётган килаётган ишини айтишга ҳам уяласан, киши. Қунимиз шунга қолдимиз!

Аёл ўзи хоҳлаб бозорга чиқмайди. Бунинг асосий сабаби эрининг оила таъминотини эплай олмаётганида. Аёл фарзандлар тарбияси билан машғул бўлиши, эрининг ишдан келишига мазази таомлар тайёрлаб ўтириши хоҳлайди. Бироқ тирикчилик пайида у елкасига бундан-да оғир юмушларни олишга мажбур бўлмоқда.

Айтишларича, бир подшоҳнинг ўғли фоят шўх, гапга кирмас, қайсар экан. Доимшиларнинг масалаҳати билан ўсмирни қирқ қанисаз орасига қўшиб қўйишди. Орадан бир қанча вақт ўтиб хабар олгани борсалар, ўсмир янгит бошига шўхи дуррача ўраб, қойишга ўсма қўйиб ўтирган эмши. Эркак кишига қўзи тушиши билан: "Вой, ўлмасам!", дея юзини беркитиб олайди.

Бу бир ривоят, лекин унинг замирида ҳаётини ҳақиқат етибди. Чунки эркекнинг эркек бўлиб шаклланиши атрофидаги муҳитга бевосита боғлиқ. Бугун қўлаб оталар фарзандлари тарбиясида пассив иштирок этаётгани сабаби ўғилларида эркекка хос сифатлар шаклланмай қолмоқда. Мазкур ҳолат оилада ота мавқенинг пасайишига олиб келади. Эркакларнинг ҳурмати қандай эди? Эркак унинг тўрида ўтирган! У ҳал қилувчи гапни айтган! Ота ўтирган унинг томига фарзанд чиқмаган! Фар-

занд сафарга отланганда оқ фотиҳани ота берган! Ота рози — Худо рози, деб бежиз айтилмаган.

Бугун-чи? Минг афсуски, айрим оилаларда эркекларнинг ўрни йўқ ҳисоби. Мушоҳада юритиб қурайлик. Оиласини боқмайдиган, ишласанда уйда ястаниб ётадиган "ота"нинг ҳурмати қандай бўлиши мумкин? Бу ҳам камдек, хотини топган пулга ичиб, маст бўлиб ичиш-товоқ синдириб, аёлини урадиган, ҳатто ўз отасиго онасини ҳақорат-лайдиган оталардан болалар нимани ўрганган? Эркакнинг оилаб фарзандлар тарбиясига эйтибор бермаслиги, уларга иборат, намуна бўлмоқдасиз, табиийки, бора-бора унинг оилада ҳам, жамиятда ҳам мавқени пасайтиради.

Психологларнинг таъкидлашича, фарзанд тарбиясида отанинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Болага хулқ-атвор кўпроқ онадан, характер эса, отадан ўтади. Эсланг, болалигимизда шўхлик қилсак, оналаримиз: "Жим ўтир. Йўқса, дадангга айтиб бераман!" — деб қойириди. Ҳозир бундай гапларни эшитмай ҳам қўйдик.

Эркекнинг тарбияси нафақат янгит киши, балки қиз боланинг ҳам оқила ва солиҳа бўлиб воғга етишида катта аҳамият касб этади. Илагри буйи етган қизлар отаси билан кўришишдан, унга ҳатто юзма-юз келишдан ийманган. Фарзандлар юзини ювмасдан отасининг хузурига чиқмасди. Қизлар енгсиз қўлақ, рўмолисиз отаси билан бир дастурхон атрофида утирмади.

Мулоҳазамиз ўзбек эркекларининг ор-номуси, шаъни, уларнинг жамиятда ва оилада тугган ўрни ҳақида эди. Эркак ва ота тушунчалари бир-бирига уйкаш. Ўз сўзи, нуфузига эга бўлмаган эркек фарзандларига ҳам таълим-тарбия бера олиши даргумон. Назаримизда, бугун фақат қизларни оилага тайёрлаш эмас, балки янгитларнинг турфада ўтирган! У ҳал қилувчи гапни айтган! Ота ўтирган унинг томига фарзанд чиқмаган! Фар-

MUSTAQILLIK 27 YILLIGI OLDINI

ЧИНОРЛАРГА АЙЛАНАЖАК НИҲОЛЛАР

Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида "Бағрикенг Ўзбекистон" фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди



Зулфияр МАВЛОНОВА

Лойиҳа Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши томонидан амалга оширилди. Туман ва шаҳарлардан сараланган иштирокчилар тасвирий санъат, фотография, рақс, бадиий ижод йўуалишида иқтидорини намойён этди.



Кўнгилларга ҳаяжон солган катта саҳнадаги қизғин жараён барчага завқ шавқ бағишлади. Турли миллат фарзандларининг ҳамкорлидаги чиқишлари ўзаро дўстлик ришталарининг янада мустақамлашишига хизмат қилди. Маданият, санъат соҳаси намояндалари, таниқли адибу шоирлардан иборат ҳакамлар ҳайрати аъзолари турли номинациялар бўйича ғолибларни саралади. — Ёшлар бири-биридан ўтади. Мен шеврга ошно тўтинган, қалбида Ватанга меҳр туйғуси жўш урган ёш қаламкашларнинг барини ғолиб, деб айта оламан. Ҳар бирининг ўзгача дунёси,

услуби бор. Бу ниҳоллар эйтибор билан парваришланса, эртага, албатта, адабиёт бустонидаги мустақам чинорларга айланади, — дейди шоир Сўҳроб Ҳамро. Дарҳақиқат, суҳбатдошимиз айтганича бор. Фестиваль домида бунга яна бир қарра амин бўлдик. Шофирконлик ёш қалам-

каш Умида Мухаммедова, қоравулбозорлик Айгул Докберганаева, вобкентлик рассом Дишод Ашуров, фотожодкор Бехзод Нейматов каби истеъодли янгит-қизлар кўпчилигининг олқишу хайратига сазовор бўлди. Энг саралар муносиб тақдирланди.



YOSHLIK ILHOMI

Aka

Gulzoda OMON

— Aka, jon aka, bir ilojini qiling. Bu pilyonista erim umrimni hazon qildi! Norasidalarimning peshonasiga "o'g'ning bolasi" degan tamg'a bosildi. Hamma narsamizni tortib olishdi. Ko'chada qoldik. Bir nechta do'stidan qarz so'rasam, bari o'zini o'lib qochdi. Erim qamoqda, ayol boshim bilan besh yuz million so'mni qayerdan topaman? — deya zorlandi Nilufar oldida mung'ayib o'tirgan bolalarini bag'riga bosar ekan.

— Mayli, bir ilojini topaman, — javob qildi Komil og'ir xo'rsinib. — O'zingni ko'p qiynayverma, jiyanalarni ham qo'rtitib qo'yibsan. Qani, Doniyor, Elyor, turinglar, akalaring bilan borib o'ynanglar. — Saida, — ayolini chaqirdi Komil. — Ha, tinchlikmi? — Nilufarning ahvolini ko'ryapsan. Tergovchilar tunov kuni ishonamga kelib, o'tiz kun ichida o'g'irlangan pullar jabrlanuvchilarga qaytarilishi kerakligini aytdi. Shunga hovlini sotib, uch xonali uy olsakmi? Keyinchalik yana ishlab, bundan ham yaxshi uy-joy qilamiz. Axir, bittayga bitta singlim bo'lsa...

— O'yab gapiryapsizmi? Eri urganida haftalab qolardi. Tishimni-tishimga qo'yib chidardim. Bir oydan buyon biznikida. Bolalari tarbiyasiz. Anavi kattasi Nasibani turtkilaganiturtkilagan. Bechora qizim o'z uyida ammasining o'g'lidan kaltak yeyishi qoluvdi. Endi uy-joyini ham bo'shatib berishimiz kerakmi? Bekorlarning beshtasini aytsiz! Uy sotilmaydi!

— Nimalar deyapsan, Saida? Axir, u singlim-kul! Sen tarbiyasiz, deb aytayotgan norasidalar — jiyanalarni! Boshqa qayerga borsin? Ikki opamning sharoitini o'zing yaxshi bilasan. Qaynonasi bir kunga ham chidolmaydod deydi. Aka bo'lib jigirimga ko'maklashmasam, Allohning oldida qanday javob beraman? — Sizga o'z ayolingiz, farzandlaringizdan ko'ra o'sha qondoshlaringiz afzalmi? Unda biz keta-

— Saida, — ayolini chaqirdi Komil. — Ha, tinchlikmi? — Nilufarning ahvolini ko'ryapsan. Tergovchilar tunov kuni ishonamga kelib, o'tiz kun ichida o'g'irlangan pullar jabrlanuvchilarga qaytarilishi kerakligini aytdi. Shunga hovlini sotib, uch xonali uy olsakmi? Keyinchalik yana ishlab, bundan ham yaxshi uy-joy qilamiz. Axir, bittayga bitta singlim bo'lsa...

— O'yab gapiryapsizmi? Eri urganida haftalab qolardi. Tishimni-tishimga qo'yib chidardim. Bir oydan buyon biznikida. Bolalari tarbiyasiz. Anavi kattasi Nasibani turtkilaganiturtkilagan. Bechora qizim o'z uyida ammasining o'g'lidan kaltak yeyishi qoluvdi. Endi uy-joyini ham bo'shatib berishimiz kerakmi? Bekorlarning beshtasini aytsiz! Uy sotilmaydi!

— Nimalar deyapsan, Saida? Axir, u singlim-kul! Sen tarbiyasiz, deb aytayotgan norasidalar — jiyanalarni! Boshqa qayerga borsin? Ikki opamning sharoitini o'zing yaxshi bilasan. Qaynonasi bir kunga ham chidolmaydod deydi. Aka bo'lib jigirimga ko'maklashmasam, Allohning oldida qanday javob beraman? — Sizga o'z ayolingiz, farzandlaringizdan ko'ra o'sha qondoshlaringiz afzalmi? Unda biz keta-

kelinining ta'nali gaplari jon-jonidan o'tardi. Ukasi xotinim homilador, deb indamasdi, jiyanalari biroz sho'xlik qilsa ham, urishib beradigan bo'ldi. Saida esa, bariga chidab, xatolarini anglay boshladi. Biroq endi Komil yarashish haqida og'iz ochmasdi. Kelinining har kungi nayranglari, bolalarini turtkilashiga ortiq chidab bo'lmadi. Achinarlisi, ukasi xotinini bilan til biriktirib olganday, opasiga qo'pol muomala qila boshladi. Tushlik paytida bolalari bilan dam olayotgan Saida hovlidagi baqir-chaqirdan uyg'onib ketdi. Xonaning hovliga qaragan derazasidan asta mo'raladi.

— Jonimga tegdi hammasi! Bolalarini tarbiyalasa bo'lmaydimi? Ko'rma-ganning ko'rgani qursin! — deb kelin oshxonaga yo'lagida turib tashqarida mashina yuvayotgan eriga baqirdi. — Ha, nima bo'ldi yana? — Kechagina olib kelingan olmadan bir dona ham qolmabdi-ku. O'yijon: "Olmali pirog tayyorlab qo'ying, olib ketaman", — deb tayinlab ketgandi. Endi nima qildim?! Bu och balolarning dastidan muzlatkchim butunlay bo'shaydi chog'i.

Saida ortiq bu yerda qololmasligini, tormi-kengmi o'z uyi, oilasi bo'lishi lozimligini, bir paytlar ko'rsatgan hunarlari qaynisinglisiga qanchalik og'ir botganini his qildi. O'sha kechayoq narsalarini yig'ishtirib, yangi — ko'p qavatli uyiga o'tladi. Qaynonasi, eri va qaynisinglisidan kechirim so'radi. Ikki yil davomida qamoq jazosini o'tab chiqqan Yahyo qilmishlari uchun tavba qilgandi. Ozodlikka chiqib oilasi bag'riga qaytdi. Bu paytda Komilning ishlari ancha yurishib, yangidan imorat soldi. Uch xonali uyni esa, singlisiga berib, kuyovining oyoqqa turishiga ko'maklashdi. Saida katta hovlining bog'ida bolalari quvlash-machoq o'ynayotganini zavq bilan kuzatar ekan, turmush o'rtog'i qanchalar bebaho inson ekanini tushundi...

— Men ham aytdim, dadasi. Tushunmasa nima qilay? Mayli indamang, turaversin-chi. — Komil hovlini sotib, kuyovining qarzarlarini to'ladi. Uch xonali uy sotib oldi. Singlisini ishga, jiyanalarni bolalar bog'chasiga joylashedi. Xotini va bolalarini ko'rgani har hafta qaynotasinikiga qatnadi. Ammo Saida o'z so'zida sobit turaverdi. Yarashgisi kelmadi. — Oradan vaqt o'tgan sari Saida ota uyiga sig'mayotganini his etib borar,

1 SAVOLGA 1 JAVOB



Savolga "O'ztemiryo'lovchi" aksiyadorlik jamiyati tarifi bo'limi boshlig'i Alisher ABDULLAEV javob beradi:

— Oxirgi marta Toshkent — Samarqand va Toshkent — Qarshi yo'nalishlarida harakatlanuvchi "Afrosiyob" elektropoyezdiga chiptalar narxi 2016 yilda oshirildi. Vaholanki, o'tgan vaqt mobaynida ish haqi ko'tarilgan. Bozor iqtisodiyoti sharoitidan kelib chiqib, chiptalar narxini 35 foizga oshirishga majbur bo'ldik.

Darhaqiqat, avgust oyining o'n beshidan keyingi sanalarga Buxoro, Qarshi va Samarqand yo'nalishlariga chiptalar sotuvini vaqtincha to'xtatib qo'ygandik. Boisi yangi narxlar asosida tarifkatsiya ishlab chiqish uchun biroz vaqt kerak. Hozir barcha texnik nosozliklar bartaraf etilgan. Fuqarolar temir yo'l kassalaridan chiptalarni bemalol sotib olishi mumkin.

— 15 avgustdan Qarshi, Samarqand va Buxoroga boradigan, yuqori tezlikda harakatlanuvchi, zamonaviy "Afrosiyob" elektropoyezdining yo'l chipta narxlari 35 foizga qimmatlashishi haqida xabar tarqaldi. Ammo avgustning keyingi o'n besh kunligi uchun chiptalar sotuvda yo'q. Bu odamlarning haqli e'tiroziga sabab bo'lmoqda. Mutasaddilar mazkur masalaga oydinlik kiritolarmikan?

Bekzod MUHAMMADIYEV Toshkent shahri

SHAKARXANDA

Habib SIDDIQ



SUPURGINING O'NGU TERSI

Boshlig'imiz juda talabchan va injiq odam. Hatto yangi xodimni ishga olayotganda yetti pushtigacha surishtiradi. Yaqinda bir ayol farrosh bo'lib ishga joylashish istagida keldi. Birmuncha muddat ishlarni bajarib ham yurdi. Keyin birdan yo'qolib qoldi. Kattaning fe'lini ko'tarolmay-

digan bo'lim boshlig'imiz so'rab qoldi:

- Ishga olishmabdimi?
- Shunaqa shekilli.
- Nega?
- Suhbatdan o'tolmabdi, — dedim kulib.
- E-ha, supurgini qaysi tomonidan ushlashni bilmagandir-da.

ayrimlari kecha aytgan gapini bugun ham qaytaradi-ya? — Uni qo'yatur, kecha aytgan gapingni o'zingga zo'r yangilikday aytadiganlar ham bor.

QAYTARIQ

Ikki do'st suhbatidan: — Odamlar ham qiziq,

TANIMAY QOLAYOTGANI CHATOQ

— Pardoz-andoz vositalari va usullari shunaqa rivojlanib ketdiki, ba'zan ko'z o'ngingizda go'zallik saloniga kirib ketgan ayolni qaytib

chiqqanida tanimay qolasiz ham. — Bu-ku, mayli. Gohida salondan chiqqan ayol ham o'zini tanimay qolayotgan chatoq-da!

— Sog'lom bo'ladi, qoni yurishadi, sport bilan andarmon bo'lgan boladan, kitob o'qigan odamdan yomonlik chiqmaydi. — Odam sigir sog'ib kelib, xamir qordi. Tandirga o't qalab yog'li patir yopdi. Kechki ovqat payti Nodir akam onamga qarab, salmoqlab gap boshladi:

— Bu qizingiz kimga o'xshagan, ona, yuragi buncha tor, o'larday vahima bilan gapirib berdim. Ko'chadan o'ta o'trog'ini yetaklab kirib, "ziyofat" qilgan akalaringga dakkib berib, jazolashini kutgan edim. Onam darhol meni tinchita boshladi.

— Hoy-hoy qizim, sekinroq gapir, qo'shnilar ehsitsa nima deydi? O'g'illariga nonni ham o'lchab yedirar ekan, demaydimi? Axir, bular ayni yeb-ichadigan yoshda.

— Non ham gap bo'timi, qo'y so'yib yedirsak arziydi. Har kuni do'stlarini boshlab kelayotgani yo'q-ku! Un keltirgan otang omon bo'lsin, non yopish, xamir qorish ham ishmi?! Nonni qizg'anna, bolam. Bir tishlam nonga zor bo'lgan kunlarni ko'rdik. Zog'ora nonga to'yamay o'tgan bolalik paytimni o'ylash-gayam yurak betlamaydi. O'zrim uyda bo'lganimda bir qozon osh damlab yedirardim boyoqshilarga.

— Bularni tarafini olavermang! To'pning orqasidan chopishdan nima foyda, undan ko'ra ishini, o'qishini qilmaydimi, — dedim onamdan ranjigan bo'lib.

ma'dani. 40. Ravshan, ochiq-oydin. 41. Hashamatli bino. 42. O'zbek xalq maqomi. 43. Qattiq jins. 44. Toshkentning qadimi nomi. 45. Mahalliy til. 46. Shirinlik. 47. Ko'klam guli. 48. Yuqori sifat. 49. So'z turkumi. 50. Inshoot loyihasi. 51. Sayqal. 52. Suyaksiz go'sht. 53. Binokorlik materiali. 54. Ishlov berilgan yaltiroq teri. 55. Musiqqa asari. 56. Chaqiriq. 57. Musiqqa jo'rigidagi san'at. 58. Koinot. 59. Jamiyat asosi. 61. Janubiy Amerika to'lisi. 62. Uzoq Sharqda daryo. 63. Estrada sohasi. 64. Kabob pishirish anjomi.

MUAMMONOMA Shaki atrofidagi raqamlarda mutafakkir shoir Alisher Navoiy yozib qolgan ikki misrali hikmat yashiringan. Uni quyida ta'rifi bayon etilib, raqamlarda ifodalangan kalit so'zlari javoblari orqali bilib oling.

1. Turonzamin xalqlari orasida mashhur bo'lgan qadimiy jangnoma namunasi, qahramon ayol haqidagi afsona — 5, 16, 17, 4, 7, 1, 9.
2. Saturn sayyorasining sharqona nomi — 10, 18, 14, 4, 11.
3. Qadimgi afsonaviy yunon pahlavoni — 2, 6, 7, 4, 8, 11.
4. Neft gazlaridan biri — 15, 5, 4, 3.
5. Yerning tabiiy yo'ldoshi — 13, 12.

Tuzuvchi: Foziljon OROPOV.

BILASIZMI?

1858-yilda birinchi marta barmoq izidan shaxsni identifikatsiya qilish amaliyoti qo'llanildi.



1910-yilda birinchi marta politiya tomonidan jinoyatchi radioaloqa vositasida qo'lga olindi. Mazkur hodisa Kanadaga tegishli kema bortida ro'y bergan.

1974-yilda Gretsiyada o'lkazilgan referendum natijasida mamlakat rasman prezidentlik respublikasiga aylandi.




Afg'onistonda ayollarga televideniye qo'rinish taqiqlangan. Mazkur qoida 1992-yildan buyon amal qilmoqda.


"ZUKKO MUSHTARIY" bilimdonlik mashqlari

CHAYNKROSSVORD

1. Maqoldan: «... yoshda emas, boshda».
2. Optik asbob.
3. Chin, haqiqiy.
4. Kuchli hayajondan yuzaga keluvchi mulzam holat.
5. Raqamli va javdalli o'yin.
6. Zargarlikda ishlatiladigan ma'dan.
7. Mexanik zina.
8. Yaratganga sig'inish, ibodat.
9. Rossiya Federatsiyasidagi viloyat.
10. Qozog'iston janubidagi daryo, Sirdaryo irmog'i.
11. Chorvachilik mahsuloti.
12. So'zlashuv vositasi.
13. Kitobni qo'yib o'qish anjomi.
14. Okean.
15. Javohir.
16. Millat.
17. Sersoya daraxti.
18. Elektrodlar.
19. Shiddatli yog'in.
20. Arab alifbosidagi harf.
21. Kishi ixtiyorida bo'yluk.
22. Tennis maydoni.
23. Harorat.
24. Gavda, badan.
25. Qora dengiz bilan Kerch bo'g'ozini orqali qo'shilgan dengiz.
26. Fursat.
27. Bozorning baland tomi.
28. Rangli metall.
29. Torli soz.
30. Ilm sohibi.
31. Og'zaki ijod turi.
32. Janub jonivori.
33. Hajim o'lchovi birligi.
34. Maqoldan: «Qunt bilan o'rgan hunar, hunardan ...ing unars».
35. Baland tekislik yer.
36. Qadimiy poytaxt.
37. Portlovchi modda.
38. O'tmish zamon.
39. Vulqon



O'YLAMANG, BU PIYODANI BALKI HAMMA TANIYDI, YO'LOVCHIGA IZZAT-IKROM SHUNCHA BO'LSA QANIYDI!



MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.
Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI
Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

Dizaynerlar
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich
Norboyev Jamolidin Jumanazar o'g'li
Navbatchi
Nozima Miyassarova
«YOSHLAR OVOZI»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-89 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indeksler: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-836
Adadi — 12073
O'zbekiston Respublikasi
Boshqaruvchisi: Foziljon OROPOV
Bo'sh sahifa topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.21
O'za yakuni — 23.35